

# "Максам-Чирчиқ" АЖда "Энг фаол инноватор аёл" кўрик-танлови ўтказилди.

// 16.02.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/maksam-chirchiq-azhda-eng-faol-innovator-ayol-kurik-tanlovi->



"Максам-Чирчиқ" АЖда хотин-қизларнинг касблар ва ихтисосликларини чуқур ўрганишга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш мақсадини кўзлаган "Энг фаол инноватор аёл" кўрик-танлови ўтказилди.



Мазкур танлов учун жамият бўлим ва цехларида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг корхона иқтисодий самарадорлигини оширувчи ғоялари тақдим қилинди. Иштирокчиларнинг лойиҳаларини баҳолашда лойиҳаларнинг ўзига хослиги ва долзарблигига эътибор қаратилди.

Танлов якунига кўра:

- 1-ўринни Марказий лаборатория ходими-И.Тодждинова;
- 2-ўринни Марказий лаборатория ходими-З.Абдурахманова;
- 3-ўринни Техник назорат бўлими ходими-Н.Абдухаликова;
- 4-ўринни Назорат ўлчов асбоблари ва автоматика цехи ходими-К.Валижонова эгаллади.



Тадбир сўнггида ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда пул мукофотлари топширилди.

**"Максам-Чирчиқ" АЖ Матбуот хизмати**